

2.Bekmuradov A.Sh., Yang Son Be. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана. Кластерный подход. – Т., 2006. – 247 с.;

3.Abduraxmonov Q.X. Labor Migration of The Population and Evaluation of Supply Chain on the Labor Market. International Journal of Supply Chain Management. IJSCM, United Kingdom. (<http://excelingtech.co.uk>), Vol.8. April 2019. – Pp.896-907;

4.Nabiyev E.G. Menejment marketing. O'quv qo'llanma. – Т., 2017. – 519 b;

5.B.O.Tursunov. "O'zbekistonda yengil sanoatnida moliyaviy xavfsizlini ta'minlashning nazariy-amaliy jihatlari. 2020 yil 5-sonli Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar ilmiy elektron jurnali.

6.Н.Л.Савченко. Управления финансовыми ресурсами предприятия. Учебное пособие. 2019 Екатеринбург Издательство Уральского университета

7. G.E.Zaxidov. (2017) O'zbekiston yengil sanoatida ishlab chiqarishni klaster usulida tashkil etish va boshqarish samaradorligi mavzusida ilmiy tadqiqot ishlarini amalga oshirgan.iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori dissertatsiyasi avtoreferati.

8.Ziyaeva M.M. Jaxon iqtisodiyotiga integratsiyalashuv sharoitida Respublika iqtisodiyotida to'qimachilik sanoatini rivojlantirish istiqbollari mavzusida ilmiy izlanishlar olib borganlar.-T. "Iqtisodiyot va ta'lim" 1-son 2022 yil.

ТИКУВ-ТРИКОТАЖ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ЭКСПОРТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Вафоева Дилафруз –
ТДИУ 2-курс таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарини модернизациялаш, экспорт имкониятлари ўрганилган ва таҳлил қилинган.Хориж тажрибаларидан мисоллар келтирилган ва улар асосида хулоса ва таклифлар берилган.

Таянч иборалар: экспорт, модернизация, самарадорлик, бозор, талаб, таклиф, ишлаб чиқариш.

Кириш

Мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити яратилиши, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар эса ҳудудларда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Технологиялари маънавий эскирган корхоналарда амалга оширилган модернизация ишлари соҳада жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган сифатли тола, мато ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Бунинг самарасида ана шу турдаги рақобатбардош маҳсулотлар экспорти ҳажмини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21 январь 2022 йилдаги «Тўқимачилик

ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чоратадбирлари» тўғрисидаги [1] ПФ53-сон фармони соҳада олиб борилаётган ишларнинг янада ривожланишига замин яратади.

Сўнги йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари фаолиятини ўрганиш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш ва бунинг учун қулай инвестицион муҳитнинг яратилиши натижасида кенг имкониятлар эшигини очди. Бунинг самарасида, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда тўқимачилик саноати корхоналари эътиборни айнан тайер маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг экспортдаги улушини оширишга қаратди.

Бундан ташқари, тўқимачилик корхоналари республика ҳудудидан ташқарида қўшни давтлар тўқимачилик саноатига

инвестиция киритиб янги корхоналар ишга туширишди. Бунда “Нил гранит” МЧЖ, “Астера текстиль” МЧЖларни мисол қила оламиз, ушбу корхоналар қўшни Қирғизистон ва Қозигистонда ўз фаолиятини кенгайтиришга эришишди. Ҳозирча саноат тармоқлари ичида бу натижа фақат тўқимачилик саноатида амалга оширилди.[2]

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида тикув трикотаж саноати корхоналарини модернизациялаш ва экспорт ишлаб чиқаришини шакллантириш имкониятларини ўрганиш ва илмий тадқиқ қилиш, қиёсий таҳлил ва синтез, илмий абстракциялаш, статистик гуруҳлаш, кореляцион, регрессион усуллари ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари.

Минтақадаги энг яхши натижаларга эришган кўплаб фирмалар замонавий янги ускуналарни ўрнатишдан олдин бошқарув ва иш амалиётига ўзгартиришлар киритиш орқали самарадорлик ва самарадорликни ошириш бўйича кўпроқ ютуқларга эришадилар деб айтиб ўтган М Tewari [3] ўз илмий изланишларида.

Ҳиндистонлик Maeen Md. Khairul Akter , Upama Nasrin Haq, Md. Mazedul Islam , Mohammad Abbas Uddin ўз илмий тадқиқотларида[4] тикув-трикотаж корхоналаридан чиқадиган чиқиндиларни бартараф қилишга қаратган. Ушбу тадқиқот юқори ишлаб чиқариш контексларида янги безнис имкониятлари билан бир қаторда материаллар чиқиндиларини аниқлаш, тоифалаш, оқим ҳаритасини тузиш ва қўшимча қийматни аниқлаш орқали экспорт бозорини янада ривожлантириш мумкинлини айтиб ўтишади.

Экспортсиз маҳаллий тўқимачилик корхоналари замонавийлаштириш жараёнини ўз маблағлари ҳисобига барқарор молиялаштириш имконига эга бўлмайди. Тикув ускуналар қимматбаҳо бўлиб ўзини қоплаши учун йирик сотиш бозорларини талаб қилади. Бевосита хорижий сармояларни жалб қилиш ишлаб чиқаришни замонавийлаштиришнинг мақбул йўли булиб ҳисобланади, шу билан бирга у

тегишли бозор ва бошқарув кўникмаларига эга бўлишга хизмат қилади. ЖСТ(жаҳон савдо ташкилоти) кириш тўқимачилик ва тикувчилик саноатига бевосита хорижий сармояларни жалб қилишга шароит яратади ва замонавийлаштиришни бюджетдан молиялаштириш ўрнини босиши мумкин[5]

Таҳлиллар.


Юртимизда ҳозирги кунда маҳаллий энгил саноат корхоналарини сифатли тола ва ип-калава билан узлуксиз таъминлаш учун қулай шароит яратилди. Айни пайтда қўшма ва хусусий корхоналарда замонавий ускуналар ўрнатилаётгани иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда тўқимачилик саноати корхоналаримизда Швецария, Америка, Россия, Корея, Сингапур, Хитой, Германия ва бошқа мамлакатлар технологияларидан фойдаланиб, самарали инвестицион муҳитни ташкил қилиш ва ҳодимларнинг малакаларини замон талабларига мос равишда ошириб, соҳанинг жаҳон бозорларида ўз ўрнини эгаллашида катта имкониятларга йўл очилмоқда. (-1жадвал).

Корхоналар томонидан технологияларнинг янгилини натижасида, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Булар қуйидагилар

- ❖ юқори рақамли (Ne- 1/50 ,1/60 ,1/80) синтетик (полиэстер) иплар ишлаб чиқариш;
- ❖ Вискоза толали аралаш ип-калавалар ишлаб чиқариш ;
- ❖ Нотўқима матодан тиббий ҳимоя маҳсулотлари (бир марталик) ишлаб – чиқариш ;
- ❖ Кўйлакбоп ва шимбоп матолар (%65 пахта, %35 полиэстер) ишлаб чиқариш;.
- ❖ Аралаш толали газлама (%70 пахта, %30 полиефир) ишлаб чиқариш;
- ❖ Жинси матоси(%75 пахта, %25 полиефир) ишлаб чиқариш;
- ❖ Жун аралашмали мато ишлаб чиқариш;
- ❖ Махсус кийим ва формалар учун аралаш толали матолар, иссиқликка чидамли арамид матолар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.[6]

1 -жадвал

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати ҳамкорлар ва маслаҳатчилар

Швейцария	Gerzi	  
	Rieter	
	ITMF-Innernational Textile Manufakturers Federation	
Америка	Deloitte Touche Tohmatsu	
Сингапур	Indorama Corporation	
Корея	KOFOTI	
	KITECH	
	KOTRA	
	Jinnsheng Group	
  		

Манба:Муаллиф ишланмаси[7]

Ўзбекистонда замонавий жиҳозлар ва илғор технологиялар билан таъминланган йирик корхоналар ишга тушди,уларда пахта толасини чуқур қайта ишлаш занжири яратилди. Натижада,2016 йилда юртимизда етиштирилган пахта хомашёсининг 37 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, ҳозирги вақтда бу кўрсаткич 100 фоиз қувватга етди. Бу орқали калава ип йиғириш 2 баробар, тайёр

маҳсулот ишлаб чиқариш 3 баробар ошди. 2022 йилнинг ярмига қадар тармоқда умумий қиймати 51,6 миллион долларлик 10 та лойиҳа амалга оширилди,2600 нафар кишининг бандлиги таъминланди. Ўтган тўрт ойда 350 минг тонна пахта толаси қайта ишланиб, 23,6 триллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди-ва бу маълумотларни 2-жадвалда кўришимиз мумкин.

2-жадвал

2016-2021 йилда корхоналарнинг экспорт қилган маҳсулот кўрсаткичлари[8]

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдор, сумма	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1	Калава ип	минг тонна	миқдор	184,4	207,5	282,3	381,1	455,4	433,3
			сумма	414,3	529,1	725,0	880,9	947,3	1018,3
2	Пахта матолари	млн.кв.м.	миқдор	42,8	86,8	184,5	215,5	296,5	349,1
			сумма	28,9	39,5	75,4	73,8	103,9	153,6

3	Трикотаж мато	минг тонна	миқдор	14,1	10,8	16,2	20,4	33,2	41,5
			сумма	54,1	43,1	63,0	79,3	139,5	158,0
4	Трикотаж ва тикувчилик	млн. долл.	миқдор						
			сумма	164,5	354,9	424,8	486,3	648,0	1428,2
5	Пайпоқ	млн. долл.	миқдор	1,0	2,9	47,0	74,6	119,8	166,9
			сумма	0,3	0,9	14,1	21,2	29,8	43,1
6	Хом ипак-иплари	тонн	миқдор	515,2	558,2				
			сумма	18,9	19,1				
Жами				1146,5	1169,0	1302,3	1541,3	1868,4	2801,2

Манба:Статистика қумитаси маълумотлари.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2016-2021 йилда республикада тўқимачилик маҳсулотлари экспорти амалга оширишда энг юқори кўрсаткич трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари 1428,2 млн долларни ташкил этапти. Бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам йил давомида ўсиш суръатлари юқори даражада бўлганлиги куриниб турибди. Фақатгина хом ипак иплари яъни пилла экспорти 2017 йилдан кейин амалга оширилмаган. Бу кўрсаткичларнинг юқорилиги, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самараси десак муболаға бўлмайди.

Миллий бредларимиз остида ишлаб чиқарилаётган текстил маҳсулотлари импорт ўрнини босиш баробарида, жаҳон бозорида ҳам талабгир бўлиб бормоқда. Бундан 6-5 йил олдин пахта толасининг асосий қисмини хомашё сифатида экспорт қилинарди. Пахтани қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантирадиган корхоналар сони санокли эди. Сунги йилларда бу жараён тубдан ўзгарди. Пахта тўқимачилик соҳасида ишлаб чиқаришнинг кластер тизимига ўтилиб, қулай агробизнес муҳити яратилди.

Жумладан, 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сонли қарори пахта тетиштиришда бурилиш ясаб, пахта етиштиришнинг кластерлар тизими асос солинди. Бугунги кунда пахта етиш-

тириш хусусий ҳисобланган тўлиқ кластерлар томонидан амалга оширилиши йўлга қўйилди ва ишлаб чиқилган пахта толасни %100 ўзимизда қайта ишлашга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги ПҚ-5431-сонли[9] қарори билан экспорт қилинадиган товарлар учун ишлатилган, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш чет эл валютаси тушуми келиб тушишидан қатъий назар ҳисобга олиш тартиби ўрнатилди. Бунинг натижасида корхоналар 1,0 трлн сўм миқдорида қўшимча қиймат солиғини экспортга маҳсулот жўнатгандан кейин 7 кун мобайнида (90-60 кун ўрнига) қайтариш имкониятига эга бўлади. 2021 йилнинг январь-октябрь ойлари давомида тўқимачилик корхоналарига маҳсулотлар экспорти бўйича 2,5 трлн сўмлик қўшимча қиймат солиғи қайтарилди.

Ўзбекистон Республикасининг тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини 2018-2021 йилларда ва 2030 йилгача бўлган истиқболдаги ривожлантириш стратегисида бир нечта инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва 170 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш орқали янги қувватларни ишга тушириш мўлжалланди. (3-жадвал)

3-жадвал


170 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш орқали янги қувватларни ишга тушириш.[10]

№	Маҳсулот номи	Ўрнатилган қувватлар	Имкониятларнинг ўсиши
1	Пахта калава минг.тонна	661,4	527,8
2	Пахта матолари, млн кв.м.	640,5	1 240,8
3	Трикотаж мато, минг тонна	110,3	589,8


4	Тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари млн.	733,3	758,8
5	Пайпоқ маҳсулотлари миллион жуфт.	108,6	626,3

Манба: Ўзтўқимачиликсаноат уюшма маълумотлари.

3-жадвал маълумотларидан куришимиз мумкинки маҳсулот турлари бўйича ўрнатилган қувватлар, юқори даражадаги имкониятларнинг ўсишига сабаб бўлаяпти ва йил сайин ошиб борапти, 1-чизмада кўрсатилган.



— Совуқ ишлов бериш ҳажми — Ип ишлаб чиқариш ҳажми



— Чуқур қайта кўриб чиқилган ип — Экспорт ҳажмида ипнинг оғирлиги

Манба: Ўзтўқимачиликсаноат уюшма маълумотлари.[11]

Бугун жаҳонда тўқимачилик саноати энг жадал ривожланаётган ва талаб юқори тармоқлардан бири саналади. Мисол учун, АҚШ, Африка ва Европа бозорларини оладиган бўлсак АҚШда 2021 йил якуни бўйича 250 2 минг долларлик экспорт амалга оширилган, АҚШ улкан имкониятларга эга бозор, аҳоси сони 332 млн.дан ортиқ. Тўқимачилик маҳсулотлари истеъмоли 27.0 млрд.дан ортиқ. Европа иттифоқига эса 2021 йил якуни билан 752.1 135 минг долларлик экспорт амалга оширилди, аҳоли сони 446.0 млн.дан ортиқ. Тўқимачилик маҳсулотлари истеъмоли 250 млрд.дан ортиқ. Дунёда ишлаб чиқариладиган тўқимачилик маҳсулотларининг истеъмоли

%23 айнан Европа давлатларига тўғри келади- бу Германия, Франция, Италия, Буюк Британия, Испания ва Голландия ташкил этади. Асосан трикотаж маҳсулотлари импорт қилинади. Румыния, Венгрия, Хорватия ва Польша давлатлари тез суратларда тўқимачилик маҳсулотларни импорт қилувчи Европа давлатлари қаторига кириб бормоқда. Африка давлатлари 2021 йил якуни билан 32 500 минг долларлик экспорт амалга оширилди аҳоли сони 1.2 млрд.дан ортиқ. Айнан кўрсатиб ўтилган давлатлар билан ҳамкорлик кенгайтириш Ўзбекистон учун йиллик 2022 йилда экспорт ҳажмини ошириш имкониятини яратади.

Хулоса ва таклифлар.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, чиқарилаётган қонун, қарор, фармонлар ҳар бир соҳа ривожланишининг пойдевори ҳисобланади. Айнан энгил саноат соҳасида ҳам бу ислохотлар катта аҳамиятга эга. Аммо ўзига яраша камчиликлар ҳам бор. Мамлакатимизда корхоналарнинг ривожланиши асосан интенсивни бўлмади, интенсив йўлни биз бекор қилдик. Интенсив йўлни инкор қилганимиз оқибатида квалификацияга аҳамият бермай кўйдик. Тўғри янги иш ўринлари яратилди, техника технологиялар модернизация қилинди ва бунинг натижасида ишчиларда 8 соатлик иш куни, шу вақт оралиғида ишласа бўлди, ишчида меҳнат унумдорлигини ва квалификацияни оширишга қизиқиш қолмади, шунинг оқибатида биз кўп давлатлардан сифат масаласида орқада қолганмиз.

Шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда корхоналарда экспорт салоҳиятини оширишда товарнинг, ходимнинг, товар ишлаб чиқарувчисининг ва тармоқнинг рақобатбардошлигини ривожлантиришга эътибор қаратиш лозим. Шу жиҳатдан келиб чиқиб қуйидагиларни таклиф қилмоқчимиз:

- ❖ Саноатда малакали кадрларни тайерлаш
- ❖ Таълим ва ишлаб чиқариш билан интеграцияни кучайтириш ва буни амалга оширилаётгани устидан назорат ўрнатиш.

- ❖ Халқаро кўргазмаларда ўзбек тўқимачилик корхоналари иштирокини кенгайтириш ва маҳаллий маҳсулотларни кенг тарғиб қилиш;
- ❖ Янги бозорлар билан экспортни жадал-

лаштириш.

- ❖ Халқаро ҳамкорлар билан кўпроқ фикр алмашиш ва уларни таълим муассасаларига таклиф қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар.

- 1.Lex.uz
- 2.Ўзтўқимачиликсаноат уюшма маълумотлари.
- 3.MEENU TEWARI “Successful Adjustment in Indian Industry: the Case of Ludhiana’s Woolen Knitwear Cluster”, Massachusetts Institute of Technology, Cambridge, Massachusetts, USA World Development Vol. 27, No. 9, pp. 1999, Elsevier Science Ltd. All rights reserved
- 4.Maeen Md. Khairul Akter , Upama Nasrin Haq , Md. Mazedul Islam , Mohammad Abbas Uddin , Textile-apparel manufacturing and material waste management in the circular economy: A conceptual model to achieve sustainable development goal (SDG) 12 for Bangladesh, 2022 year, Cleaner Environmental Systems journal homepage: www.journals.elsevier.com/cleaner-environmental-systems.
5. Филипп Эддлстон, Дэвид Мартин и Эшреф Трушин кўмаги билан Валентина Батурина, Джахонгир Муинов и Евгения Елфимова “Ўзбекистонни ЖСТ киришидан кутилаётган иқтисодий самаранинг таҳлили” Мақола USAID-BearingPoint Uzbekistan Economic Reform Project кўмаги остида Самарали иқтисодий сиёсат марказининг тегишли маърузаси асосида тайёрланган.
- 6.Ўзсаноаттўқимачилик маълумотлари.
- 7.Муаллиф ишланмаси
- 8.Статистик қумитаси маълумотлар.
- 9.Lex.uz
- 10.Ўзтўқимачиликсаноат уюшма маълумотлари.
- 11.Ўзтўқимачиликсаноат уюшма маълумотлари.

СУТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНЛАРИНИ КЛАСТЕР ТИЗИМИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Хидиров Темур Қаҳрамон Ўғли –

Тошкент давлат Иқтисодийёт университети,
1-босқич таянч докторанти

Аннотация: ушбу мақолада республикамиздаги сутни қайта ишлаш корхоналарини кластер тизими асосида ривожлантириш, кластер тизимининг иқтисодий самарадорлиги, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини амалиётга татбиқ этиш, сутни қайта ишлаш корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш ҳамда кластер тизимида асосланган инновацион бошқарув жараёнини такомиллаштириш масалалари бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар. кластер, сутни қайта ишлаш, иқтисодий самарадорлик, хорижий тажриба, инновацион бошқарув.

Аннотация: В данной статье разработаны научно обоснованные рекомендации по вопросам развития молокоперерабатывающих предприятий в нашей республике на основе кластерной системы, экономической эффективности кластерной системы, внедрения опыта развитых зарубежных стран, повышения экономической эффективности молокоперерабатывающих предприятий и совершенствование инновационного процесса управления на основе кластерной системы.

Ключевые слова. Кластер, переработка молока, экономическая эффективность, зарубежный опыт, инновационный менеджмент.